Куч — адолатда

2012 йил,
22 июнь,
жума
№ 24 (381)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Жамият тараққиётининг кўзгуси

Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг ўтган даврида миллий давлатчилигимизни қайта тиклаш, сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга эришиш йўлида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритди.

Айнан шу жараёнда давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, биз мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ миллий ғояни шакллантириш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсадларни ҳар қайси инсоннинг онгида, маънавий оламида кенг қарор топтириш йўлида матбуотимиз катта ҳисса қўшаётганини, бунинг аҳамияти ва моҳиятини алоҳида таъкидлаш ва эътироф этиш зарур.

Бу борада оммавий ахборот воситаларини босқичма-босқич равнақ топтириш, миллий матбуотимизнинг таъсирчанлигини ошириш, бунинг учун барча шарт-шароитларни яратиш масаласига доимий эътибор қаратиб келинаётгани муҳим аҳамият касб этаётир. Жумладан, Конституциямиз, ўнга яқин қонун ҳужжатлари фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим кафолат бўлиб хизмат қилмоқда. Бир қатор қонун ҳужжатларининг бугунги давр талабига ҳамоҳанг тарзда такомиллашиб бораётгани оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, соҳадаги демократик ислоҳотларни тобора чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Айтиш жоизки, соҳа ривожи йўлида кўрсатилаётган эътибор натижасида кейинги ўн йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса, 7 баробар ошди. Мавжуд телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканаллар, веб-сайтларнинг эса 86 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир. Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг етти тилида фаолият олиб бормоқда.

Оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни ривожлантириш натижасида Ўзбекистонда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 мамлакатига 28 йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида миллий оммавий ахборот воситалари учун янада кенг имкониятлар яратиш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан устувор йўналишлар белгиланган. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, миллий ахборот маконини изчил ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институти сифатидаги аҳамиятини кучайтириш шулар жумласидандир.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

2012 йил 25 май № 07 Тошкент шаҳри

Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди ажримлари тўғрисида

Фуқаролик ишларини биринчи инстанцияда кўришда ажримлар чиқарилиши масалаларини тартибга солишга доир қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, фуқаролик ишларини биринчи инстанцияда кўришда ажримлар чиқариш масалаларини тартибга солувчи қонунчиликка риоя этилиши ишни судда кўришга лозим даражада тайёрлашни, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлашни, шунингдек, иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли ҳал қилув қарори чиқарилишини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

2. Тушунтирилсинки, биринчи инстанция суди ажримлари, ишни апелляция, кассация тартибида кўриш натижаси бўйича чиқариладиган ажримлардан фарқли равишда, ишни мазмунан ҳал қилмайдиган суд акти ҳисобланади (ФПК 237-моддаси биринчи қисми).

(Давоми иккинчи бетда)

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат Конституция ва қонунлар, балки халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида ҳам ҳимоя қилинади. Шу боис жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда давлат органлари, хусусан, суд-ҳуқуқ идораларида халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан ишлаш механизмини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Islohot va samara

Суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ҳамда халқаро шартномалар қоидаларини суд-ҳуқуқ идоралари томонидан қўллашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан, **«Судлар тўғрисида»**ги, **«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»**ги, **«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»**ги қонунлар ҳамда кодекслар, шунингдек, Олий суд ва Олий хўжалик суди қўшма Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги **«Суд ҳокимияти тўғрисида»**ги қарори одил судловни амалга оширишда судлар томонидан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ва халқаро шартномалар қоидалари қўлланилишида юзага келадиган муносабатларни моддий ҳамда процессуал жиҳатдан тартибга солишга хизмат қилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Мустақиллик йилларида юртимизда иқтисодиётни барқарор юксалтиришнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун зарур ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Натижада бу соҳа ҳар жиҳатдан ривожланиб, бугунги кунда аҳоли фаровонлигини оширишда алоҳида ўрин тутмоқда. Айтиш керакки, яратилаётган янги иш ўринларининг асосий қисми ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келяпти. Жорий йилда яратилиши кўзда тутилган 967 мингдан ортиқ иш ўринларининг 480 мингдан зиёди айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилиши ҳам шуни тасдиқлайди.

Qonun ko`magi

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси кафолатланади

Тадбиркорлик ривожида улар йўлига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Адлия, солиқ ва савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари томонидан тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлар ўтказиш жараёнида турли масалалар муҳокама этилиб, уларнинг олди олинаётир.

(Давоми иккинчи бетда)

2012-yil — «Mustahkam oila yili»

Комил фарзанд — ёруғ келажакка камарбастадир

Тинчлик-хотиржамлик бор жойда қут-барака бўлади. Юртимиз тобора равнақ топаётгани шунинг меваси-дир. Шу маънода, оилада ҳам осойишталик бўлса, унда бахту саодат ҳукмрон бўлади. Айнан ана шундай оилаларда оқил ва соғлом фарзандлар камолга етади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилнинг мамлакатимизда **«Мустаҳкам оила йили»** деб номлангани ва бу борада қабул қилинган Давлат дастури асосида соғлом оилани шакллантириш, ундаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, уларнинг моддий фаровонлигини ошириш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётгани юртдошларимизнинг кўнглидаги иш бўлди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Фуқаролик ҳуқуқида шартнома деганда, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви тушунилади.

Huquq va burch

Қарз шартномаси қандай тузилади?

Албатта, ҳар бир шартнома аввало у ёки бу натижага эришиш учун тузилади. Масалан, сотувчининг олди-сотди шартномаси тузишдан мақсади ўзида мавжуд бўлган товарни пулга алмаштириш бўлса, харидорнинг мақсади — муайян товарга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритишдир. Қарз шартномаси ҳам шулардан бири бўлиб, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг у ёки бу мақсадга эришиши учун тузилади. Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) ашёларни мулк қилиб беради. Қарз олувчи эса, қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси ўзининг хусусиятларига кўра, бир томонлама, реал ва текинга ёки ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади. Шартнома асосида фақатгина қарз берувчида ҳуқуқнинг мавжуд бўлиши бу шартноманинг бир томонлама эканлигини англатади. Яъни шартномага мувофиқ қарз берувчида ҳуқуқ, қарз олувчида мажбурият юзага келади.

(Давоми учинчи бетда)

Saboq

Солиқ мажбурияти

уни ўз вақтида адо этиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир

Иқтисодий маданиятнинг бир кўриниши бўлган солиқ тўлаш масаласи узоқ тарихга эга. Манбаларнинг кўрсатишича, қадимги Юнонистоннинг солиқ тизими даромад солиғи ва ихтиёрий хайр-эҳсонларни ўзида мужассам этган. Қизиғи шундаки, Афинада белгиланган бадални тўлаш фақат фуқаролик бурчи бўлиб қолмасдан, ҳар бир инсоннинг шаъну шарафига дахлдор масала ҳисобланган. Шунингдек, солиқларни ўз вақтида тўламаган кишининг фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум этилиши қонунда белгилаб қўйилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди ажримлари тўғрисида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Биринчи инстанция суди ажримлари суд томонидан ишни судда кўришга тайёрлаш, судда кўриш ёки ҳал қилув қарорларини ижро этиш босқичида алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида ҳам (алоҳида хона (маслаҳатхона)га кириш йўли билан), ажрим матнини суд мажлиси баённомасига киритиш йўли билан ҳам (алоҳида хона (маслаҳатхона)га кирмасдан) чиқарилиши мумкин.

3. Фуқаролик процессуал кодекси 237-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, биринчи инстанция суди мураккаб бўлмаган масалаларни ҳал қилиш бўйича алоҳида хона (маслаҳатхона)га кирмаган ҳолда ажрим чиқариши мумкин. Бундай ажримлар, жумладан, учинчи шахслар, вакиллар, давлат бошқарув органларини ишда иштирок этишга жалб қилиш ёки ишга кириши, прокурорнинг ишда иштироки, гувоҳларни чақириш, бошқа далилларни чақириб олиш ёки ишга қўшиш, ишни кўришни кейинга қолдириш ёки давом эттириш, қарши даъвони қабул қилиш, далилларни текшириш тартибини белгилаш, далилларни жойида кўздан кечириш, ишни мазмунан кўриш тамом бўлганлигини эълон қилиш ва суд музокараларига ўтиш, ишни мазмунан кўришни тиклаш масалалари бўйича чиқарилиши мумкин.

Фуқаролик процессуал қонунчилиги мазмунидан келиб чиққан ҳолда, суд ўз хоҳишига кўра, юқорида қайд этилган ҳар қандай масала бўйича алоҳида процессуал ҳужжат кўринишидаги ажрим чиқаришга ҳақли.

4. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқарилиши шарт бўлган ажримларга, жумладан, қуйидагилар тўғрисидаги ажримлар киради:

аризани ҳаракатсиз қолдириш (ФПК 154-моддаси), аризани қабул қилишни рад этиш (ФПК 153-моддаси),аризани қабул қилиш ва иш қўзғатиш (ФПК 151-моддаси), даъвони таъминлаш (ФПК 248-моддаси), ишни судда кўришга тайёрлаш (ФПК 160-моддаси), далилларни таъминлаш (ФПК 64-моддаси), суд топшириқлари (ФПК 65-моддаси), ашёвий далилларни сақлаш ва қайтариб бериш (ФПК 83-моддаси), экспертиза тайинлаш (ФПК 84-моддаси), жавобгарни қидириш (ФПК 140-моддаси), ишни судда кўришга тайинлаш (ФПК 161-моддаси), рад қилиш талабини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик (ФПК 29-моддаси), ишни суднинг ёпиқ мажлисида кўриш (ФПК 10-моддаси), ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўриш (ФПК 224-моддаси), иш юритишни тўхтатиб туриш ёки тиклаш (ФПК 95, 96-моддалари), жарима солиш (ФПК 122-моддаси), ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш (ФПК 42-моддаси), тарафлар, учинчи шахс ёки қонуний вакилни процессуал ҳуқуқий ворис билан алмаштириш (ФПК 43-моддаси), далиллар қабул қилишни ёки талаб қилишни рад этиш (ФПК 58-моддаси), бир турдаги ишларни бирлаштириш (ФПК 156-моддаси), бир неча талабни ажратиш (ФПК 157-моддаси), ишни судда кўришни тиклаш (ФПК 205-моддаси), ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш (ФПК 147-моддаси), ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатолар ва очиқ арифметик хатоларни тузатиш (ФПК 213-моддаси), ҳал қилув қарорини тушунтириш (ФПК 215-моддаси), ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш (ФПК 220-моддаси), ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, уни ижро усули ва тартибини ўзгартириш (ФПК 216-моддаси), дарҳол ижро этишга қаратилмаган ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш (ФПК 222-моддаси), сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш (ФПК 232-моддаси), аризани кўрмасдан қолдириш (ФПК 98-моддаси), иш юритишни тугатиш (ФПК 100, 101-моддалари), суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш (ФПК 238^{5}-моддаси), суд буйруғини бекор қилиш (ФПК 238^{10}-моддаси), процессуал муддатларни узайтириш ва тиклаш (ФПК 130-моддаси).

Алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқарилиши шарт бўлган ажримларга, шунингдек, ФПК 19-моддасига мувофиқ чиқариладиган хусусий ажримлар киради.

5. Қонунда биринчи инстанция суди ажрими мазмунига нисбатан, унинг кўринишидан келиб чиққан ҳолда, муайян талаблар қўйилган (ФПК 238-моддаси).

Алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқариладиган ажримлар, одатда, кириш, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлиши керак.

Ажримнинг кириш қисмида ажрим чиқарилган вақт ва жой, ажрим чиқарган суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлиси котиби, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, низо предмети ва ажрим билан ҳал қилинаётган масаланинг моҳияти кўрсатилади.

Ажримнинг асослантирувчи қисмида суднинг хулосасига олиб келган асослар ва суд қўллаган қонунлар баён этилиши лозим.

Ажримнинг хулоса қисмида суднинг ҳал этилаётган масала юзасидан хулосаси, ажрим устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартиби ва муддатлари кўрсатилиши лозим. Ажримнинг хулоса қисми уни ижро этиш чоғида тушунмовчиликлар келиб чиқмаслиги учун аниқ ва тушунарли ифода этилган бўлиши керак.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонунда ФПК 65, 84, 98, 101, 153, 180, 194, 238^{10}, 309^{8}, 309^{13}-моддаларида назарда тутилган масалалар бўйича чиқариладиган ажримлар мазмунига нисбатан қўшимча талаблар белгиланган.

Суд мажлиси баённомасига киритиш йўли билан чиқариладиган ажримлар муҳокама этилаётган масаланинг предметини, суд хулосасига олиб келган асослар ва суд қўллаган қонун нормаларини, суднинг ҳал этилаётган масала юзасидан хулосасини ўз ичига олиши лозим (ФПК 238-моддаси 4,5,6-бандлари).

6. Алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқариладиган ажримлари устидан суднинг ҳал қилув қароридан ажратилган ҳолда апелляция, кассация ва назорат тартибида қуйидаги ҳолларда шикоят берилиши мумкин, агар:

ажрим устидан шикоят бериш ҳуқуқи ФПК муайян нормасида назарда тутилган бўлса;

ажрим устидан шикоят бериш ҳуқуқи ФПК муайян нормасида назарда тутилган бўлмаса, бироқ суднинг ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қилса.

Суднинг ҳал қилув қароридан ажратилган ҳолда, жумладан, қуйидаги ажримлар устидан шикоят ёки протест берилиши мумкин:

аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги;

ҳаракатсиз қолдирилган аризани аризачига қайтариш тўғрисидаги;

далилларни таъминлашни рад этиш тўғрисидаги;

даъвони таъминлаш тўғрисидаги;

иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги;

жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтиришни рад этиш тўғрисидаги;

ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш тўғрисидаги;

хусусий ажрим;

ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш масалалари бўйича;

сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани рад этиш тўғрисидаги;

ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатолар ва очиқ арифметик хатоларни тузатиш тўғрисидаги;

қўшимча ҳал қилув қарори чиқаришни рад этиш тўғрисидаги;

ҳал қилув қарорини тушунтириш тўғрисидаги;

ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги;

ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани рад этиш тўғрисидаги;

аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги;

иш юритишни тугатиш тўғрисидаги;

ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала бўйича;

процессуал муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги;

суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги;

суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги.

7. Судларга тушунтирилсинки, биринчи инстанция судининг алоҳида процессуал ҳужжат шаклида чиқарилган қуйидаги ажримлари устидан суднинг ҳал қилув қароридан ажратилган ҳолда шикоят ва протест берилмайди:

аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисидаги;

аризани қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги;

ишни судда кўришга тайёрлаш тўғрисидаги;

далилларни таъминлаш тўғрисидаги;

суд топшириғи тўғрисидаги;

жавобгарни қидириш тўғрисидаги;

ашёвий далилларни сақлаш ва қайтариш тўғрисидаги;

ишни судда кўришга тайинлаш тўғрисидаги;

ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш тўғрисидаги;

рад қилиш талабини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисидаги;

ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш тўғрисидаги;

ҳуқуқий вориснинг процессга кириши тўғрисидаги;

шахсни судда вакил сифатида қатнашишига рухсат бериш тўғрисидаги;

ишни мазмунан кўришни тиклаш тўғрисидаги;

бир неча талабни бирлаштириш ва бир неча талабни ажратиш тўғрисидаги;

жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтириш тўғрисидаги;

сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғрисидаги;

ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатларга кўра қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш тўғрисидаги;

ижро варақасини ижрога топширишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклашни рад этиш тўғрисидаги;

йўқолган ишни тиклаш масаласи бўйича;

баённома юзасидан билдирилган ёзма фикрларга қўшилмаслик тўғрисидаги;

процессуал муддатларни кечиктириш ва тиклаш тўғрисидаги.

Суднинг ҳал қилув қароридан ажратилган ҳолда устидан шикоят, протест берилмайдиган ажримларига нисбатан эътирозлар апелляция, кассация шикояти (протести)га, назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги аризага шикоят ёки назорат тартибида келтириладиган протестга киритилиши мумкин.

8. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, биринчи инстанция судининг суд мажлиси баённомасига киритиш йўли билан чиқариладиган ажримлари шу суд томонидан процесс иштирокчиларининг илтимосномаси ёки суднинг ўз ташаббусига кўра бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Суднинг илтимосномани қаноатлантиришни рад этиши манфаатдор шахсни судга шундай илтимослама билан такроран мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган ҳолларда, биринчи инстанция судининг алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқарилган ажримлари ҳам тарафларнинг илтимосномасига кўра, шу суд томонидан бекор қилиниши мумкин (ФПК 99-моддаси иккинчи қисми).

9. Биринчи инстанция судлари ажримлар чиқариш чоғида Олий суд Пленумининг муайян тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича процессуал қонунчиликни қўллаш тўғрисидаги қарорларида берилган тушунтиришларга ҳам риоя этишлари лозим (масалан, "Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида"ги, "Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"ги, "Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида"ги, "Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги, "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги ва бошқалар).

10. Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва вилоят судлари вақти-вақти билан биринчи инстанция судлари томонидан ажримлар чиқарилиши амалиётини умумлаштирсинлар ҳамда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан чоралар қўлласинлар.

Олий суд раиси **Б.МУСТАФАЕВ**

Пленум котиби, Олий суд судьяси **А.УСМАНОВ**

27-iyun — Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlari kuni

Жамият тараққиётининг кўзгуси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)



Концепцияда **«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»** қонунни қабул қилиш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтирган бўлур эди. Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввалambor, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлайди.

Маълумки, жамият тараққиётида ҳар жиҳатдан етук кадрлар муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети бу борада изчил фаолият юритяпти. Айни пайтда факультетда талабаларга «Матбуот», «Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар», «Оммавий алоқалар ва реклама», «Услубият ва таҳрир», «Интернет журналистикаси назарияси ва амалиёти» каби ихтисосликлар бўйича таълим берилаётир. Шунингдек, университет ҳузурида махсус икки йиллик Олий журналистика курслари ташкил этилган.

Ушбу соҳада етук кадрлар тайёрлаш борасида барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Илғор замонавий ахборот технологиялари, такомиллаштирилган ўқув дастурлари ёш қаламкашларни бугунги шиддатли давр билан ҳамоҳанг бўлиб қадам ташлашга, шу юртнинг фидойи мутахассислари бўлиб етишишига замин яратмоқда. Зеро, интернет журналистиканинг шаклланиши ва ривожланиши, шунингдек, ушбу соҳадаги талабларнинг ортишида намоён бўлаётган замонавий тенденциялар ҳам шуни тақозо этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда миллий матбуот ҳар жиҳатдан равнақ топмоқда. Уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференсиялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар соҳа ходимларининг халқ манфаати, жамият тараққиёти йўлидаги фаолиятини ривожлантирмоқда.

Маҳлиё МИРСОАТОВА,
филология фанлари номзоди

Qonun ko`magi

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси кафолатланади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат қилсак, Андижон вилояти адлия бошқармаси ходимлари томонидан Жалақудуқ туманида ўтказилган учрашувда «Жалақудуқ 152-автокорхона» ва «Жалақудуқ ҳамкор транс» масъулияти чекланган жамиятлари мутасаддилари «Қўрғонтепадонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятидан дебиторлик қарздорликни ундиришда амалий ёрдам сўради. Мазкур ҳолат юзасидан адлия бошқармаси томонидан масъулияти чекланган жамиятлар манфаатини кўзлаб, шартномаларга кўра, асосий қарз ва пеня ундириб беришни сўраб вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилди. Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан, «Қўрғонтепадонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти ҳисобидан «Жалақудуқ 152-автокорхона»га 101 миллион сўм асосий қарз ва 909 минг 514 сўм пеня, «Жалақудуқ ҳамкор транс»га эса, 37,8 миллион асосий қарз ва 378 минг 597 сўм пеня ундириш белгиланди.

Шу билан бирга ўтган беш ой давомида адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида жойларда ўрганишлар ўтказилиб, бир қатор қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Шундан келиб чиқиб, 13 нафар масъул мансабдор шахсга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, судларга юборилди. Масалан, «Микрокредитбанк»нинг Андижон шаҳар филиалида ўрганиш ўтказилганда, айрим қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди. Бу ҳақда банк маъмуриятига тақдимнома киритилиб, иш берувчи томонидан 5 нафар ходимга нисбатан «ҳайфсан» интизомий жазоси берилди.

Бундан ташқари адлия бошқармаси томонидан икки нафар банк ходимига нисбатан тадбиркорлик субъектларига кредит ажратишда ортиқча ҳужжатлар талаб қилганлиги учун маъмурий баённома расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судига юборилди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётимиз ривожига қўшаётган улушларининг янада ошишига хизмат қилади.

Ш.ЮСУПОВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси

Saboq

Солиқ

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда солиқ сиёсатини изчил амалга ошириш борасида кенг кўламли ишлар қилинди, жумладан, тўлақонли фаолият юритишга қодир бўлган, давлат ва жамиятнинг талаб-мақсадларига жавоб берадиган, барча шароитларга эга самарали солиқ тизими шакллантирилди.

Ўтган йиллар мобайнида солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш, молиявий барқарорликни таъминлаш ва ишлаб чиқариш жараёнларини янада кенгайтириш борасида жуда муҳим тадбирлар амалга оширилиди.

Эътиборли томони шундаки, охирги 6 йил давомида ягона солиқ тўлови ставкасининг 15 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилишига қарамасдан, ушбу солиқ тури бўйича бюджетга тушумлар миқдори барқарор ошиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби — мамлакатимизда кичик бизнес жадал тараққий этиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ортиб бормоқда.

Афсуски, ҳаётда мана шундай имкониятлар яратилганига қарамай, тўловларни тўлашдан атай бўйин товлайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Ҳолбуки, юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат томонидан белгиланган солиқ, йиғим ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслиги, фойда (даромад)ни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириши, камайтириб кўрсатиши, шунингдек, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан турли йўллар билан бўйин товлаши бюджет сиёсати барқарорлигига путур етказади. Бундан ташқари солиқдан яширилган маблағлардан аксарият ҳолларда жамият манфаатларига зид фойдаланиладики, бу ҳол ҳам солиқ қонунчилиги соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилигини яққол кўрсатади.

Шу ўринда бевосита мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, Й.Саломатов бошчилигидаги уюшган гуруҳ солиқ қонунчилигига амал қилмай, қатор жиноий қилмишларни содир этган.

Гап шундаки, Й.Саломатов 2004 йил 3 июнда Қарши шаҳрида жияни М.Исомов таъсисчилигида «REAL-PETROL» хусусий корхонасини ташкил этади. Сўнг жавобгарликдан қутулиш ва жиноий қилмишларини яшириш мақсадида Х.Тойиров, Ш.Рўзиевни корхона бошлиғи, Б.Тўхтаев, Д.Жўраевни эса, корхона бош ҳисобчиси сифатида номигагина расмийлаштириб, амалда ушбу корхона фаолиятини ўзи бошқариб келади. Устига-устак Й.Саломатов ноқонуний фаолияти давомида солиқ қонунчилиги талабларини қўпол тарзда ва доимий равишда бузиб келган. Масалан, 2007–2011 йиллар давомида у раҳбарлик қилган «REAL-PETROL» хусусий корхонаси 681.696.100 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларини тўламаган.

Й.Саломатов, айтиш мумкинки, иш бошлаганидаёқ қинғирлик кўчасига кирган эди.

У 2008 йил 3 октябрда Қарши шаҳрида опаси Зулфия Исомова таъсисчилигида «Қарши Газойл» МЧЖни ташкил қиларкан, ушбу корхона орқали жиноий йўллар билан яширин даромад орттириш, жавобгарликдан қутулиш ҳамда қилмишларини яшириш мақсадида С.Юсупов билан тил бириктириб, Дилмурод Жўраевни корхона бош ҳисобчиси сифатида рўйхатдан ўтказади. Энг қизиғи, бу қинғирликлар Д.Жўраев 2009 йил 21 июлда вафот этганидан сўнг ҳам давом этади, яъни бухгалтерия ҳужжатларида бош ҳисобчи сифатида марҳумнинг исм-фамилияси акс этади.

Islohot va samara

Суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)



Ўзбекистон Республикаси жиноий ва фуқаролик ишларини юритиш ҳамда маҳкумни ушлаб бериш бўйича бир қатор давлатлар билан икки тарафлама шартнома имзолаган. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган халқаро шартномалари, шунингдек, процессуал қонунчилик нормалари, жумладан, Фуқаролик-процессуал кодексининг 3,12, 390-моддалари, Жиноят-процессуал кодексининг 4, 592-609-моддаларига амал қилинмоқда.

Шу ўринда статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, судлар томонидан 2010 йилда халқаро ҳамкорлик билан боғлиқ 24 нафар шахсга нисбатан 23 та, 2011 йилда эса, 31 нафар шахсга нисбатан 31 та жиноят иши кўриб чиқилган.

2011 йил давомида халқаро ҳамкорлик билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича судларга 400 дан ортиқ топшириқ келиб тушган, республикамиз судлари томонидан МДҲ давлатларига юборилган суд топшириқларининг сони 300 дан ортиқ бўлиб, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Айтиш керакки, мамлакатимиз судларида ушбу тоифадаги ишларни кўришда катта тажриба тўпланган. Шу билан бирга судлар томонидан айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилиб, моддий ва процессуал қонун талабларига риоя қилинмаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Олий суд Пленумининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида қабул қилинган **«Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айрим масалалари тўғрисида»**ги қарори суд амалиётида келиб чиққан фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликка риоя этишнинг долзарб масалаларига оид тушунтиришларни ўз ичига қамраб олган.

Пленум қарорининг 1-, 2-бандларида, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик — давлатлар томонидан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, яъни бир давлатнинг ваколатли органи томонидан бошқа (хорижий) давлатнинг шундай органи топшириғи бўйича айрим процессуал, тезкор-қидирув ва бошқа ҳаракатларни олиб бориш ваколатига эга бўлган органлар ҳақида тушунтиришлар берилган. Булар суд, прокурор, терговчи ва суриштирув органлари бўлиб, улар ўз ваколатларини Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама ёки кўп томонлама халқаро шартномаларига асосан амалга оширади.

Айтиш керакки, Пленум қарорининг 3-, 4-бандларида **«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»**ги қонун талабларидан келиб чиқиб, томонлар ўртасида келишилган тартибга мувофиқ суд, прокурор, терговчи ва суриштирув органлари фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш жараёнида Фуқаролик ва Жиноят-процессуал кодексларига амал қилишлари лозимлиги баён этилган.

Шунингдек, мазкур бандларда, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида хорижий давлат билан ҳуқуқий ёрдам юзасидан халқаро шартнома мавжуд бўлмаган ҳолларда, ўзаролик принципига асосан ҳам бундай ёрдам амалга оширилиши мумкинлиги, амалиётда шундай эҳтиёж туғилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи хорижий давлат ваколатли органига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида сўровнома билан мурожаат қилиши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Қарорнинг 5-, 6-бандларида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган процессуал ҳаракат турлари кенг ёритилган. Хорижий давлат ҳудудида айрим процессуал, тезкор-қидирув ва бошқа ҳаракатларни бажариш зарурати туғилганда, юритувида фуқаролик ёки жиноят иши бўлган тегишли суд, прокурор, терговчи ёки суриштирув органи хорижий давлатнинг ваколатли органига сўров хати ва ҳужжатларни юбориш тартиблари баён этилган.

Қарорнинг 7-бандида хорижий давлат ҳудудида жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўров мазмуни ва шаклига изоҳ берилган.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган Пленум қарори амалиётда учрайдиган шу каби масалаларни ҳал этиш, қонунийликка қатъий амал қилиш, адолатли қарор қабул қилишда муҳим асос бўлади.

Неъматжон АКБАРОВ,
Олий суд судьяси

Huquq va burch

Қарз шартномаси қандай тузилади?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қарз шартномасининг шакли ва расмийлаштириш тартибига тўхталадиган бўлсак, Фуқаролик кодексининг 733-моддасига кўра, фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилади. Тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса, суммасидан қатъи назар шартнома ёзма шаклда тузилиши лозим.

Фуқаролик қонунчилигида қарз муносабатларини нафақат қарз шартномаси тузиш орқали, балки бошқа ҳужжатлар тузиш йўли билан ҳам расмийлаштириш мумкинлиги белгиланган. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 733-моддасига мувофиқ, агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади. Агар қарз мажбурияти қарз олувчи томонидан берилган вексель, облигация ёки қарз суммасини ва қарз берувчининг уни ундириб олиш ҳуқуқини белгилайдиган бошқа қимматли қоғоз билан тасдиқланган бўлса, қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

Мазкур меъёрга асосан қарз шартномаси қуйидаги ҳужжатларни расмийлаштириш орқали тузилган деб ҳисобланади: тилхат, муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат, вексель, облигация, қарз суммасини ва қарз берувчининг уни ундириб олиш ҳуқуқини белгилайдиган бошқа қимматли қоғоз.

Одатда, тилхат бир шахснинг иккинчи шахс олдидаги қандайдир мажбуриятини ёки муайян ашё ёки буюмни олганлигини ёхуд топширганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Ҳозирги вақтда фуқаролар ўртасида қарз шартномасини айнан «тилхат» орқали расмийлаштириш кўпроқ учрайди. Масалан, даъвогар А.Ҳайдаров жавобгар Ж.Турсуновга нисбатан қарзни ундириш ҳақидаги даъво талаби билан судга мурожаат қилган. Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган. Суднинг мазкур ҳал қилув қарорига нисбатан жавобгар Ж.Турсунов томонидан кассация шикояти келтирилиб, мазкур фуқаролик иши бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорини бекор қилиш сўралган. Фуқаролик ишлари бўйича кассация инстанциясининг ажрими билан мазкур иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судда аниқланишича, 2008 йил 1 ноябрда Ж.Турсунов А.Ҳайдаровдан 30 миллион 180 минг сўм қарз олган ва қарзини 2008 йил 16 декабрга қадар тўлиқ қайтариши ҳақида тилхат ёзиб берган. Демак, мазкур ёзма тилхатнинг ўзи қарз шартномаси тузилганлигидан далолат беради. Бу ҳолатда қарздор қарз берувчи олдида нафақат қарз суммасини тўлаш, балки қарз берувчининг талабига кўра, қарз суммасига фоизлар ва бошқа тўловларни ҳам тўлаш мажбуриятини олади.

Бир сўз билан айтганда, қарз шартномаси билан қонунчиликда томонларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ қамраб олинган бўлиб, уларга амалда тўлиқ риоя этган фуқаролар ҳеч қачон ютқазмайди.

Ш.ОМОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг масъул ходими

Huquqiy ma`rifat

Нотариал фаолият

у фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқини таъминлашда муҳим институтга айланди

Айтиш керакки, нотариал ҳаракатлар ижтимоий, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиши нуқтаи назаридан жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда нотариат институти ва унга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар изчиллик билан такомиллаштириб келинмоқда. Президентимизнинг 2010 йил 5 майдаги **«Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»**ги Фармони ҳам бу борада навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор қонунлар зарур ўзгартириш ва қўшимчалар билан тўлдирилди. Жумладан, 2010 йил 14 сентябрдаги қонун билан **«Нотариат тўғрисидаги»** қонунга ўзгартиришлар киритилди, унга кўра, нотариус лавозимига йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга эга, мутахассислиги бўйича камида 3 йил муддат иш стажига эга бўлган, шу жумладан, нотариал идорада камида икки йил муддатли амалиётни ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси тайинланиши мумкин. Шунингдек, нотариуслик вазифасига эга бўлолмайдиган шахслар тоифаси ҳам аниқлаштирилди. Чунончи, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган, деб топилган ёки қасддан содир этган жиноят учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган ёхуд ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун нотариус, адвокат, терговчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатида ваколати белгиланган тартибда тугатилган шахслар нотариус бўла олмаслиги, ушбу меъёрларнинг нотариус ёрдамчиси ва нотариус стажёрларига ҳам татбиқ этилиши белгиланди.

Нотариат институтининг такомиллаштирилиши ҳақида сўз кетганда, яна шуни таъкидлаш ўринлики, Адлия вазирининг 2010 йил 21 декабрдаги буйруғи асосида янги таҳрирдаги «Олий малака комиссияси тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Низомнинг 6-бандига асосан, нотариус лавозимига етук кадрларни танлаш, танловлар адолатли ва сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида Олий малака комиссияси таркиби аниқлаштирилди.

Бир сўз билан айтганда, нотариат институтини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган изчил ислоҳотлар амалда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга, шунингдек, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилмоқда.

М. АБДУРАҲМОНОВ,
Наманган шаҳри 10-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси



Мамлакатнинг тараққиёти, иқтисодий ривожланиш ва аҳоли фаровонлигини оширишда хусусий мулк алоҳида ўрин тутади. Асосий қонунимизга кўра, миллий иқтисодиётимизнинг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиб, барча бошқа мулк турлари каби хусусий мулк ҳам қонун билан кафолатланади.

Fuqarolik qonunchiligi

Хусусий мулк — дахлсиз

Фуқаролик кодексида хусусий мулк ҳуқуқига таъриф берилган бўлиб, унга кўра, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин. Ҳар қандай хусусий мулк эгаси ўз хоҳиши ва манфаатларини кўзлаб мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Кези келганда яна шуни қайд этиш жоизки, фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва амалда таъминлашда судларнинг ҳам алоҳида ўрини бор.

(Давоми тўртинчи бетда)

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Илтимос, жамоа шартномаси тўғрисида тушунча берсангиз.



З.БОЛТАЕВ,
Навбаҳор тумани

Меҳнат кодексининг 41-моддасига асосан, жамоа шартномаси имзоланган вақтдан эътиборан ёки жамоа шартномасида кўрсатилган кундан бошлаб кучга киради ҳамда тарафлар белгилаган муддат давомида амал қилади.

Белгиланган муддат тугагач, жамоа шартномаси тарафлар янги шартнома тузгунча ёки амалдаги шартномани ўзгартиргунча амалда бўлади.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

мажбурияти

уни ўз вақтида адо этиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир

Аслида корхонанинг молиявий-бухгалтерия ҳужжатларини норасмий равишда С.Юсупов юритади. Устига-устак, жиноятчилар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан ҳам бўйин товлайди. Оқибатда 2009–2011 йиллар давомида корхона давлат томонидан белгиланган 114.319.764 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламайди.

Қинғирликнинг турли йўлларини ўрганган Й.Саломатов 2007 йил 4 январда Қарши туманида Шераали Рўзиев таъсисчилигида «Ҳаракат ойл» хусусий корхонасини ташкил қилиб, яна жиноят кўчасига киради. Бу гал ҳам Й.Саломатов ва С.Юсуповлар қонунга чап беришни кўзлашади. Улар ўзаро тил бириктириб, жиноий йўллар билан яширин даромад орттириш, жавобгарликдан қутулиш, қилмишларини яшириш мақсадида бу корхонага Маъруф Исомовни бош ҳисобчи сифатида рўйхатдан ўтказишади, амалда эса, одатдагидек, корхонанинг барча молиявий-бухгалтерия ҳужжатларини С.Юсупов юритади. Бунинг натижасида «Ҳаракат ойл» хусусий корхонаси фаолиятида ҳам қатор қинғирликларга йўл қўйилади. Масалан, 2007–2011 йиллар давомида корхонанинг давлат томонидан белгиланган 59.453.800 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари қасддан тўланмаган.

Кирдикорлари кўпайиб, дўппи тор келаётганини сезган Й.Саломатов М.Мамадиёрова ҳамда С. Юсуповлар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, янги «режа» ишлаб чиқади. Унга кўра, 2008 йил 19 августда Дилмурод Жўраевнинг таъсисчилигида «Ҳаракат ойл-сервис» хусусий корхонасини ташкил қилиб, «REAL-PETROL» ва «Ҳаракат ойл» хусусий корхоналарига тегишли мулкларни, жумладан, автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаларини «Ҳаракат ойл-сервис» хусусий корхонаси ҳисобига ўтказишади. Бироқ «ўрганган кўнгил ўртанса, қўймас», деганларидек, Й.Саломатов яна жиноий қилмишга қўл уради. Буни унинг «Ҳаракат ойлсервис» хусусий корхонаси бўйича 2010–2011 йиллар давомида давлат томонидан белгиланган 32.957.448 сўмлик солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлагани ҳам тасдиқлайди.

Й.Саломатов бошчилигидаги уюшган жиноий гуруҳ аъзолари ягона солиқ тури, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган истеъмол солиғи, жисмоний шахслардан ушланадиган даромад солиғи, ягона ижтимоий тўловлар, мажбурий суғурта бадали ҳамда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадали ҳисобидан 2007–2011 йиллар мобайнида турли корхоналарда жами 889.617.812 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Албатта, бу ҳаётда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Й.Саломатов ва уюшган жиноий гуруҳнинг қолган аъзолари ҳам жиноят ишлари бўйича Миришкор тумани судининг 2011 йил 4 августдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилганликда айбли деб топилиб, уларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди, давлатга етказилган зарар ундирилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳар бир кишининг тўлаётган солиғи ёш авлодни вояга етказиш, моддий ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамиятнинг тинч-осойишта, барқарор ривожланишига сарфланади. Шундай экан, зиммамиздаги бурчни ўз вақтида адо этиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Қаҳрамон ЎЛЖАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг раиси вазифасини бажарувчи

Бу ҳаётда саломатлик ва тинчлик-хотиржамлик инсонга берилган неъматлар орасида энг бебаҳосидир. Матбуот, интернет ва радио-телевидение орқали бохабар бўлаётганимиз — ер шарининг қай бир бурчакларида рўй бераётган уруш-жанжаллар, шунингдек, низолар, қурғоқчилик, қашшоқлик ҳукм сураётган ҳудудларда яшаётган аҳолининг оғир аҳволи кишини ҳушёрликка ва юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишга ундайди.

Giyohvandlik — asr vabosi

Эгри йўлнинг охири

СУД ОЧЕРКИ

Дарҳақиқат, тинчлик ва осойишталик бунёдкорлик, яратувчанликка кенг йўл очади. Тинчлик туфайли осмони мусаффо, сувлари тиниқ, гулзорларида қушларнинг чуғур-чуғури баралла янграб турган мамлакатда осмонўпар бино-ю иншоотлар, жаннатмонанд боғу роғлар бунёд этилади. Ана шундай файзли юртда яшаётган ҳар бир киши, аввало, тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиши, бу бебаҳо неъматларга таҳдид соладиган ҳар қандай иллатга қарши муросасиз курашиши лозим.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Меҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор: тан саломатлиги, кўнгил роҳати, зеҳннинг ортиши.

* * *

Меҳнатни севмаган одам турли ёмонликларни қилишга тайёрдир.

* * *

Ҳасад — юракнинг занглаши, ўжарлик — мағлубият сабабчисидир.

* * *

Бир-биридан норози бўлган икки кишини келиштириш учунгина айтилган ёлғон сўз улар орасига совуқлик тушириш учун айтилган рост сўздан кўра хайрлидир.

* * *

Инсонга ҳаракатчанлик ва интилиш йўлдош бўлмас экан, қобилиятнинг бир ўзи ҳеч нарса келтирмайди.

2012-yil — «Mustahkam oila yili»

Комил фарзанд — ёруғ келажакка камарбастадир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундай эзгу ва савобли ишлар Нарпай туманида ҳам кенг қулоч ёйган. Айни пайтда туманимизда оилалар сони 32 минг 879 тани ташкил этади. Шундан 2 минг 614 таси ёш оилалардир.

Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан фуқаролар даромадини кўпайтириш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларнинг ижросини таъминлаш борасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси томонидан туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, туман ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинаётир. Маҳаллаларда ёш оилалар турмуши бузилишининг олдини олиш, вояга етмаганлар билан тарбиявий ишларни йўлга қўйиш, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи иллатларнинг олдини олиш борасида муайян ишлар қилинмоқда.

Туманимиздаги мавжуд 56 та маҳаллада маслаҳатчиларимиз тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, эрта никоҳдан ўтишнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш сингари долзарб масалаларда фаоллик кўрсатяпти. Фуқаролар йиғинлари қошида тегишли йўналишлар бўйича комиссиялар фаолият юритмоқда. Бундан ташқари «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида кўрсатиб ўтилганидек, баркамол авлодни тарбиялашда ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Яқинда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан Нарпай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ва ходимларининг бир ҳафталик ўқув семинари ташкил этилди. Оқтош қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежида «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз», шиори остида оилавий спорт мусобақаси ўтказилди.

Дарҳақиқат, оилани муқаддас билиш, унинг мустаҳкамлиги учун ҳаракат қилиш бизга аждодлардан мерос анъана ҳисобланади. Зотан, ҳар жиҳатдан тўкис оилада камол топаётган ўғил-қизлар келажакда оқибатли, меҳр-мурувватли, меҳнатсевар бўлиб вояга етади. Мана шундай фарзандлар эса, мамлакатимизнинг эртанги куни, ёруғ келажагига камарбаста бўлади.

Раҳима БЎРОНОВА,
Нарпай тумани «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлинмаси бош мутахассиси

Bu turfa olam

Ғаройиб гаровлар тарихи

Одамлар не-не замонлардан буён бир-бири билан баҳслашиб, гаров ўйнаб келади.

Айрим тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, гаров ўйнаш илк бор Англияда расмий тус олган.

Айнан Англия фуқаролари ўзларининг баҳс ва унинг шартларини ҳужжатлаштира бошлаганлар. Бу бизнинг замонамизда «расмий тилхат» ёки соддароқ қилиб айтганда, «гаров хати» деб юритиладиган атаманинг айнан ўзи эди. Ҳатто XVIII асрга келиб Лондоннинг олий табақа клубларида махсус «Гаров ўйнаш китоблари» ҳам юритила бошланган.

Иш шу даражага бориб етганки, китобдаги мавжуд шартларга кўра, қизиққон одамлар гаровга нафақат пули



ва мулки, балки ҳаётларининг бир қисмини ҳам тикиб юборавергандар. Масалан, Мальбородаги герцоглардан бири ҳар куни, ҳар дақиқада дуч келган нарса устидан дуч келган одам билан гаров бойлашавергани экан. Бу — ҳозир кўчадан нечта карета ўтиб кетиши, у ёки бу одам қайси камзулда келиши ва ҳатто шу бугун неча марта гаров бойлагани устида ҳам бўлиши мумкин эди. Охир-оқибат ўша одам гаровбозликка шу қадар берилиб кетганки, бу уни руҳий касалликка олиб келган.

Америкаликлар учун эса, амалий гаровлар қизиқ эди. Масалан, улар бирор-бир банк, корпорация ёки заводнинг йиллик даромади қанча бўлиши хусусида гаров бойлашардилар. Ҳатто айрим дўкон эгалари харидорлар ўртасида ҳам гаров ўйнашни ташкил этардилар. Бунинг учун дўконга кираверишда ичига бир нечта танга ва майда қоғоз пуллар солинган қути қўйиларди. Ҳар бир харидор бу қутига истаган миқдорда пул ташлаб ўтади. Маълум муддат ўтгач эса, ҳамма йиғилиб, қутига қанча пул ташлангани юзасидан ўз тахминини айтади. Пул миқдори қанчалигини тўппа-тўғри топган одам жамғармага эгалик қиларди. Аммо камдан-кам кишигагина сармоянинг аниқ миқдорини топиш насиб этарди.



Аммо бутун дунё бўйича энг қизиқ гаров — миссурилик икки бойваччанинг саккиз кун ичида бутун бошли шаҳарни қуриш ҳақидаги баҳси бўлган, дейишимиз мумкин. Албатта, бу гаровнинг ўзига яраша қийин шарти ҳам бор эди: шаҳар қурилишида нақд пулларни ишлатиш тақиқланган! Шунда бойваччалардан бири иккиланиб қолади. Нақд пулсиз бу ишни эплаб бўлармиди?

Гаровга тикилган пул миқдори ҳам ўша давр ўлчовига кўра, жуда катта — нақ 30 минг доллар эди. Гаровлашган бойваччаларнинг иккинчиси дарҳол ишга киришади — газеталарга реклама беради: кимда-ким янги қурилажак шаҳарда яшашни истаса, тезда банкка келиб, уй қуриш учун кредит олиши мумкин. Агар кимда-ким уч кун ичида уйини қуриб битирса, олинган кредитнинг 50 фоизидан воз кечилади. Одамлар бундай фойдали таклифни эшитиб, банкка ёпирилади. Ҳайҳот, тўртинчи кунга келиб, шаҳарча учун ажратилган ерда қатор ёғоч бинолар қад кўтарган кўчалар, олтинчи куни — клуб, еттинчи кун — маҳаллий газета иш бошлайди. Бир сўз билан айтганда, саккизинчи кунга келиб, бу шаҳарчадаги янги уйларда 1432 нафар фуқаро яшай бошлаганди.

Новороссийск ўлкасидан бўлмиш князь Михаил Воронцов эса, бир дўсти билан божхонадан контрабанда олиб ўтиш юзасидан гаров ўйнайди. Бу бир қарашда, бу ўта қалтис иш эди. Ахир, чегарадан ўтказилаётган ҳар бир мол синчковлик билан миридан-сиригача текширилади. Аммо гаров ўйнаган ўша кимса божхонага келиб, нақ ўн минг рубллик моли борлигини айтиб, текширувчилардан уни топишларини сўрайди. Табиийки, тинтув натижасида ҳеч вақо чиқмайди. Текширувчилар ҳатто отларнинг ёлларини ҳам синчиклаб кўздан кечиради, карета чаримини, ўтирғичларни тилиб-тилиб ташлашади. Ҳалиги кимсанинг ўзини-ку роса титкилаб



кўришади. Аммо ҳеч вақо топишолмайди. Охир-оқибат эса, М.Воронцов енгилганини тан олади. Ана шундагина гаров ўйнаган кимса ёнида юрган оппоқ, жунлари қўнғироқ-қўнғироқ пудель кучукчасини чақиради. Қўлига қайчи олиб, ҳамманинг кўз ўнгида кучукчанинг терисини ғарч-ғурч қирқиб ташлайди. Тери тагидан бир нечта тугунча чиқади. Бу тугунчаларда эса, бриллиантлар бор эди! Ҳаммаси ойдинлашганди. Пудель деганлари аслида оддий, жайдари лайча бўлиб, унга бриллиантлар яширилган тери моҳирлик билан кийдириб қўйилган экан.

Хулоса қилиб айтганда, гаров ўйнаш хаёлпарастлик, танбаллик, тезроқ бойиб кетиш, қисқаси, таваккалчиликни хуш кўрадиган кишиларнинг «ўйин»и холос. Гўё ҳазил ўйинга ўхшаб бошланган бундай ўйинлар, кун келиб оилалардаги тинчлик-осудаликкга рахна солиши мумкинлиги хусусида ўйласак, шуни ўзиёқ кишини ҳушёр торттиради. Ахир, ҳамма нарсанинг ҳалол, пешона тери билан қўлга киритилганига нима етсин.

Интернет материаллари асосида Дилфуза ҚЎЗИЕВА тайёрлади.

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шу ўринда бевосита мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, Кармана тумани, Янгиариқ маҳалласидаги низоли уй-жой туман ҳокимининг 2007 йил 13 сентябрдаги қарорига асосан С.Умаровга тегишли бўлган. 2009 йил 22 октябрда Кармана тумани давлат нотариал идорасида тузилган олди-сотди шартномасига биноан С.Умаров ушбу низоли уй-жойни Х.Туробов, Ш.Раҳматов, И.Мирзаевларга сотган. Шартномага кўра, даъвогар фуқаролар Х.Туробов, Ш.Раҳматов, И.Мирзаевларга Фуқаролик кодексининг 185-моддаси 2-қисмига асосан, низоли уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи ўтган.

Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги **«Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида»**ги қарорининг 5-бандида қайд этилганидек, нотариал тартибда тузилган уй-жой шартномасида сотувчи ва унинг оила аъзоларининг тураржой рўйхатидан чиқиб кетиш муддати кўрсатилган бўлса, шу муддат тугаган кундан, муддат кўрсатилмаган бўлса, шартнома тузилган кундан эътиборан улар тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган, деб ҳисобланади.

Олди-сотди шартномасининг 6-бандида С.Умаров, Ж.Умарова, У.Ражабова, Ж.Севдиёров, Р.Севдиёрова, Р.Умаров, Х.Умарова, Т.Севдиёров сотилаётган уйдан бир йил давомида фойдаланиш ва яшашлари кўрсатилган бўлса-да, бироқ бу муддат ўтиб кетганига қарамай, улар уй-жойни бўшатишмаган. Аксинча, даъвогарларнинг уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилишган.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан, даъвогарлар Х.Туробов ва Ш.Раҳматовнинг жавобгарлар С. Умаров, Ж.Умарова, Ж.Умаров, У.Ражабова, Р.Умаров, Х. Умаровага нисбатан «Тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ва уйдан чиқариш» тўғрисидаги даъво талаблари қаноатлантирилиб, даъвогарларнинг мулк ҳуқуқи тикланди.

Мухтасар қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ идоралари томонидан мулк ҳуқуқининг таъминланиши ва ҳимоя қилиниши амалда фуқаролар манфаатига хизмат қилмоқда. Муҳими, ўз ҳуқуқларини амалга ошираётган шахс айни чоғда бошқаларнинг ҳам қонуний манфаатларини эътиборга олиши, яъни ўзгаларга зарар етказмаслиги шарт.

А.МУРОДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судининг судьяси

Fuqarolik qonunchiligi

Хусусий мулк — дахлсиз



Giyohvandlik — asr vabosi

Эгри йўлнинг охири

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Масалан, мамлакатимизда жамият тараққиётининг негизлари сифатида барқарорлик, соғлом турмуш тарзи, қонунийликни таъминлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилаётган бир пайтда айрим кимсалар азбаройи нафс қутқусига учиб, гиёҳвандлик, одам савдоси каби жиноятларга қўл уради. Ҳолбуки, бу қилмишлар нафақат жамиятдаги барқарор муҳитга салбий таъсир қилади, айни чоғда инсон саломатлигини издан чиқариб, унинг шаъни, қадр-қимматига ҳам путур етказади.

Қўшни республикадан Қўқон шаҳрига келган Шокир Ризаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан қўқонлик Олим Зокиров чойхонада танишиб қолди. Шу пайтга қадар бир-бирига мутлақо нотаниш бўлган бу икки кимсанинг бир пасда апоқ-чапоқ бўлиб кетгани четдан қараган кишига ғалати туюлиши мумкин. Аммо улар ягона «мақсад» учун бир-бирига дилдорлик кўрсатаётган эди.

Чойхонадаги суҳбатдан сўнг орадан уч-тўрт ой ўтгач, кутилмаганда, Шокирнинг телефони жиринглаб, унда Олимнинг исми кўринди. Қисқа сўрашувдан сўнг Олим дарров мақсадга ўтди:

— Харидор топиб қўйдик. Ўшандан 3 кило олиб келсангиз, бас.

— Хўп, хўп. Айтган вақтингизда етказамиз, — жавоб берди Шокир ҳам.

Олим отини айтмай сўраган нарса гиёҳвандлик моддаси — опий бўлиб, Шокир ёздаги суҳбатдаёқ «мижоз» топса, гиёҳвандлик моддаси келтириб беришига шаъма қилганди. Жиноят кўчасига киришдан орланмаган Олим эса, унинг телефон рақамларини олиб қолган, сўнг «мижоз» қидиришга тушганди...

Телефондаги сўзлашувдан сўнг орадан кўп ўтмай Шокир Қўқонда – Олимнинг уйида пайдо бўлди.

— Омон-эсон етиб келдингизми? — деб сўради Олим гоҳ меҳмонга, гоҳ унинг қўлидаги халтага қараркан.

— Ҳаммаси жойида, — деди Шокир. — Айланма йўллар билан Бешариқ туманидаги Андархон қишлоғига ўтиб олдим, бу ёғи бир қадам.

Шокир эшик-деразага олазарак қараб олгач, Кўлоб шаҳри яқинидаги Ҳасан қишлоғидан олган 3 килограмм гиёҳвандлик моддасини хонтахта устига қўйди.

Шундан сўнг Олим ва унинг хотини дарров гиёҳвандлик моддасининг 1 килосини М.Ботиров ва М.Дўлтаевга, қолганини У.Давлатов ва бошқаларга пуллаб, шу куниёқ Шокир Ризаевга 5000 АҚШ доллари келтириб беришди.

Бу орада Олимдан 1 килограмм гиёҳвандлик моддасини олган М.Ботиров ва М.Дўлтаев ҳам заҳри қотилни пуллашга тушишди. Жумладан, «Қаймоқли гузар» чойхонасида Рустам исмли шахсга дастлаб 200 грамм миқдордаги, орадан 3-4 куни ўтгач, яна 275 грамм миқдордаги гиёҳвандлик моддасини сотишди. М.Ботиров заҳри қотилнинг қолганини ҳам бошқа кимсаларга пуллади.

Гиёҳвандлик моддаларига ружу қўйиш оғир оқибатларга олиб келишини яхши билса-да, У.Давлатов ҳам қинғир йўлдан ортга қайтмай, Олимдан олган заҳри қотилни нотаниш кимсаларга сотиб юборди.

Эгрилик кўчасига кириб, нопок мақсад йўлида ўзаро бириккан бу кимсалар қинғир ишларини яна давом эттиришди. Нопок пулга мазахўрак бўлган Олим ва унинг хотини Шокирнинг келишини кўзлари тўрт бўлиб кутишарди. Ниҳоят, декабрь ойида Шокир қўлида «юк» билан Қўқонга келди. Устаси фарангга айланган Олим билан хотини бир кун ўтмаёқ гиёҳвандлик моддасини пуллаб юборишди. Бу гал «харидорлар» сафига С.Мўминов қўшилиб, 500 грамм гиёҳвандлик моддасини сотиб олди.

Ҳамтовоқлар М.Дўлтаев ва М.Ботиров яна аввалгидек гиёҳвандлик моддасини ими-жимида пуллаб юборишди. Гиёҳвандлик дардига чалинган С.Мўминов эса, заҳри қотилни ўзи истеъмол қила бошлади (жиноят фош этилиб, айбдорлар, хусусан, С.Мўминовнинг уйи тинтув қилинганда 0,19 грамм марихуана гиёҳвандлик моддаси топилди). «Доимий мижоз»га айланган У.Давлатов эса, 3 грамм героин гиёҳвандлик воситаси учун Олимга юз минг сўм санаб берди, кейин уни бошқа кимсага қимматроққа сотди.

Қиш ўтиб, баҳор келганда балойи нафс Шокирни яна Қўқонга тортқилади. Унинг қўлида бу гал 300 грамм героин ва 500 грамм марихуана гиёҳвандлик моддаси бор эди. Пулнинг дараги Олимнинг ичига тағин олов ёқди.

Аммо бу гал ҳаромдан ҳазар қилмайдиган ҳамтовоқларнинг йўлига тўсиқ қўйилди. Ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари томонидан О.Зокировнинг уйи холислар иштирокида кўздан кечирилганда, халтачаларда 304,18 грамм героин, 492,353 грамм марихуана гиёҳванд моддаси борлиги аниқланди...

Айбдорларга Жиноят кодексининг тегишли моддалари асосида қонуний жазо тайинланди. Шу тариқа нопок йўл билан бойлик топишга уринган бу кимсалар бошлари деворга текканда надоматдан ўзларини қаерга қўйишни билмай қолдилар. Аммо энди кеч бўлган эди. Ҳолбуки, ҳаётда тўғри, ҳалол яшаш эзгу мақсадга элтувчи, бахтга мушарраф этувчи энг асосий мезондир. Бу ҳақиқатни англаб етмаган ёки унга амал қилмаганлар юқорида исмлари келтирилган кимсалар ҳолига тушиши ҳеч гап эмас. Зотан, ҳақиқатнинг қарор топиши шуни тақозо этади.

Маъруфжон ТЕШАБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг раиси
Маъмур ЙЎЛДОШЕВ,
журналист

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-616. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6677.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21³⁰